



У КУНЛАР ЭНДИ  
ЭРТАК

3

яйра АБДУЛЛАЕВА,  
Ўзбекистон халқ артисти:

МЕХР-ОҚИБАТ  
ЎЛКАСИ БУ ЗАМИН!



4



ОСТОНАСИ  
ГУЛЛАЁТГАН ОИЛА

5

БРИЛЛИАНТ  
РОЯЛЬ



8

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



### МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАР, ВАТАН!

**Ш у к у х**

Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улуг, энг азиз айём — мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрамига яқинлаштирмоқда. Шаҳару қишлоқларда, кўчаю хиёбонларда, барча жойларда “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” деган эзгу гояни ўзида мужассам этган кутлуғ шодиёнага қизгин ҳозирлик кўрилаяпти.

Каттаю кичик — кимдир сўзи, кимдир эзгу амаллари билан рўй бераётган улкан ўзгаришларга муносиб ҳисса кўшишга интиломда. Айни пайтда иштихонликлар ҳам бу мубо-



рақ байрамни муносиб кутиб олишга катта тайёргарлик кўришмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари авжида. Жумладан, “Ўзбекистон” маҳалласида ўзига хос савдо расталари, за-

монавий тураржойлар, кенг ва раван йўллар барпо этилди. Бугун ушбу маскан чин маънода юртимизнинг обод гўшаларидан бирига айланди. Маҳалла обод экан, юрт обод, Ватан обод.

Мезбонлар бизни маҳалла марказига бошлар экан, кенг ва ёруғ, шинам безатилган хоналарни бирма-бир кўрсатишиб, маҳалла ҳаётини хушнудлик билан таърифлай бошлашди.

— Маҳалламизда 4733 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Иштихон туманидаги “Ўзбекистон” МФЙ фаоли Толиб Ягошев. — Мамлакатимизда тadbиркорлик соҳасини ривожлантириш-

га доир олиб борилаётган ислохотлар бу ерда ҳам кенг қулоч ёйган. Ҳозирда ҳудудда ўнлаб маиший ва сервис хизмат кўрсатишга ихтисослашган шохобчалар, кичик корхоналар фаолият олиб бормоқда. Бу аҳоли фаровонлиги, тadbиркорлик ривожига салмоқли ҳисса кўшиш имконини бермоқда. Маҳалламиздаги аҳилликни кўриб, қувонасиз. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида отахону онахонлар иштирокида давра суҳбатлари, тadbир ва учрашувлар ўтказяпмиз, уларнинг ҳолидан хабар оляпмиз.

2015 йил — Кексаларни эъвозлаш йили

Хар биримиз ҳаёт синовларидан ўтиб умр кечирамиз. Кимнингдир чеккага осонроқ, яна бировнинг тақдир-аъмолига эса машаққатлироқ йўллар насиб этади. Кексалик аталмиш манзил, ҳар бир одамни ортга назар ташлашга, кечмишларидан ўзига яраша хулоса чиқаришга ундайди. Энг муҳими, бу манзилда ҳеч ким меҳрдан бебахра қолмасин...

## НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Наманган вилоятидаги "Саховат" интернат уйи Наманган шаҳрининг "Гунча" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Ойдин кўчасида жойлашган. Бу гўшадда ёлғиз ва жисмоний имконияти чекланган нурунийларга хизмат кўрсатилади. 50 ўринли мазкур даргоҳда айни пайтда 18 нафар кекса истиқомат қилишмоқда.

Биз бу ерда бугунги кун учун шуқороналар айтиб яшаётган отахон ва онахонлар билан танишдик.

72 ёшли Равиль ака Исмагиловнинг "Саховат" уйида яшай бошлаганига тўрт йилдан ошибди. Отахон бу даргоҳда хизмат қилаётган ходимларнинг меҳрибонлиги, хушмуомалалиги ҳақида тўлқинларни сўзлади.

— Хар бир инсон меҳр-шафқатга ташна яшайди, — дейди Равиль ака. — Айниқса, кексайғач бу улуг бойликка эҳтиёж ортиб бораверади. Барака топишсин, бу ердагилар, ҳар биримизнинг фелъ-атворимизга қараб муомала қилишди, кези келса, инжиқликларимизни ҳам кўтаришди. Қувончлисиз, "Кексаларни эъвозлаш йили"да биз қарияларга кўрсатилаёт-

ган ғамхўрлик ва эъзоздан ниҳоятда миннатдоримиз.

Обидхон Фахриддинов эса 1-гуруҳ ногирони. Бахтсиз ҳодиса туфайли икки қўл ва икки оёғидан айрилган бу инсоннинг бардоши, ҳаётга, яшашга иштиёқига таҳсинлар айтгингиз келадди. Унинг хонасига киришингиз билан барқ уриб ўсаётган гуллар ва шинамликни кўриб, беихтиёр кўнглингиз ёришади.

— Сиздан илтимос, биз ҳақимизда эмас, мана шу "Саховат" уйида бизга ўзининг туғишган инсонидек муомала, хизмат қилаётган юксак қалб соҳиблари фаолияти ҳақида ёзсангиз, — дейди Обидхон ака. — Беш йиллик ҳаётим шу ерда кечаётган бўлса, бирор марта ошпаз, фаррош, шифокору ҳамширалар, гапнинг лўндаси, бизга қаровчиларнинг юз-кўзларида сира нолиш ёки ранжиш аломатларини сезмадим. Бу айтишга осон. Ҳамма ҳам бундай савобли ишнинг урдасидан чиқавермайди.

Бу сўзларнинг самимиюлигини таъкидлашга ҳожат йўқ. Негаки, ўн йил аввал инсультни бошдан кечирган, 7

йилдирки 1-гуруҳ ногирони сифатида шу ерда яшаётган Иззат ака Саримсоқов, 76 ёшли Ҳафизхон ота Абдуллаев, тўқсон ёшни қаршилаётган Ўрозали ота Бозоров, Зулайхо ая Эшмухаммедова ва бошқа ўнлаб қарияларнинг ёруғ чехраси буни яққол исботлаб турибди. Отахон-онахонларнинг ораста ва покиза кийим-кечаклари, шинам, саришта хоналарини кўрган кишининг кўнгли таскин топади. Буларнинг бари "Саховат" уйида хизмат қилаётган жонкуяр ходимлар меҳнатининг ҳосиласи. Бош шифокор Зоҳидхон Нурматова, бош ҳамшира, "Шуҳрат" медали соҳибаси Уктамхон Абдуллаева, бўлим бекаси Фаридхон Гофурова каби ўнлаб ўз касбининг фидойилари нурунийлар дуосини олиб келишмоқда.

"Саховат" уйи тасарруфидоги уч гектарга яқин худуднинг аксар қисмига мевали дарахт экиб, бог яратилган. Меҳнатга яроқли кексалар бу боғдан ўзига яраша эрмак топишади. Равиль ака зерикса, боғни тартибга келтиришда боғбонга ёрдамлашади. Бутун умри деҳқончилик билан ўтган Ўрозали ота мўъжазгина майдонга кулупнай экади.

"Саховат" уйи директори Ҳамидулло Турсуновнинг айтишича, бу масканнинг замон талаблари даражасидаги янги биноси вилоятнинг бошқа худудда барпо этилиши режалаштирилаётган экан. Ҳозирда бинонинг лойиҳаси тасдиқланган, уни қуриш учун тендер танловлари ўтказилмоқда. Қувончлисиз, бу лойиҳа "Кексаларни эъвозлаш йили" Давлат дастурига киритилган бўлиб, 2016 йилдан "Саховат" уйи янги бинода фаолият бошлаши мўлжалланган.

Аҳмаджон АДАШЕВ,  
Наманган вилояти.

### ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТИЗИМИДА

Аёл руҳияти ишадан-да нозик. Ҳар бир сўзни ўйлаб гапиришингизга тўғри келади. Бу сўзларни бежиз айтмайман. 38 йиллик шифокорлик тажрибамдан келиб чиқиб, шундай хулосага келганман. 15 йилдан буён хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси вазифасини бажариб келялман.

## АЁЛ ҚАЛБИН АРДОҚЛАНГ

Шифохонамизда меҳнат қилаётган 320 дан зиёд тиббиёт ходимларининг 260 нафардан ортиғи хотин-қизлар. Ходималарнинг ҳар бири ўзига яраша иқтидори, тажрибаси, салоҳияти, гўзал фазилати билан жамоамизда хурмат қозонган. 9 нафар аёл бу масканнинг энг намунали ходимлари ҳисобланади.

Салкам 40 йиллик иш тажрибасига эга гематология бўлими мудири Санобархон Маҳмудовани устоз дея хурмат қилишди. Клиник лаборатория бўлими мудири Ҳалимаҳон Даминова нафақат ибратли, ташаббускор ҳамкасб, балки у шаҳарда бош мутахассис саналади. Гинеколог Нодирахон Бузурхонова, невропатолог Гулнозахон Исмоилова ҳақида ҳам ҳар қанча илиқ фикрларни айтсак, ярашади.

Беморнинг шифо топишида, керак бўлса, шифокорлардан ҳам кўпроқ кайғурадиган, ўз касбига меҳри банд ҳамшираларни жамоамизнинг фахри дегим келади. Ҳамиша ширинсуханлик, орасталик, эгичлик, зукколик билан вазифасини адо этишга одатланган ҳамшираларимиз меҳнати, фидойилиги нуносиб рағбат топаётти. Улардан бири Муҳаррамхон Сиддиқова "Шуҳрат" медали соҳибаси. Жонлангириш ва асаб касалликлари бўлими катта ҳамширалари Дилфуза Аҳмадова ҳамда Насибхон Зокирова саъй-ҳаракати билан бўлимлар бир неча йиллардан буён энг намунали, дея эътироф этиб келинади. Яна бир изланувчан кизимиз — асаб касалликлари бўлими ҳамшираси Сурайё Гузарова "Ҳамшира — 2015" қуриқ-танловининг вилоят босқичида фаол иштирок этди.

Шифохонамиз, унинг ходимлари эришаётган ютуқлар замирида, шубҳасиз, бош врач Тоҳирхон Бойдадаевнинг меҳнатлари, талабчанлиги, ўз ўрнида, меҳрибонлиги ётади. Чунки у жамоада самимий ва соғлом муҳит қарор топишига ҳаракат қилди ва бунга эришди.

Мавлудахон ТУРСУНОВА,  
Наманган шаҳар ССБ тасарруфидоги 1-шаҳар шифохонаси хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси, олий тоифали терапевт.

## Бахт остонаси

### РИШТАЛАР УЗИЛМАСИН

Бу онахон билан йўлда учрашдик. Ҳаёт синовларидан кўнгли зада бўлганмиди, ишқилиб, қарашлари бироз мунгли, ташвишли эди. Уч-тўрт ёшлардаги невараси тинмай хархаша қилар, аёл бўлса уни овутишга ҳар қанча уринмасин, кўндиролмасди. Сумкамдан конфет олиб бергандим, бола шунга андармон бўлди. Йўл узок. Онахон билан суҳбатлашиб кетдик.

— Ёшим эллиқдан ошди, — дейди у. — Бир умр ота-онанинг раъйига қараб яшадим. Гоҳида бу ишимдан афсусланаман. Мени узокроқ қариндошимизга узатишганида 17 ёшда эдим. Турмуш ўртоғим билан уч фарзанд кўрдик. Улардан бири Жасурнинг тили чучуқроқ бўлиб чиқди. Фикрини тушунарли ифодалаб беролмасди. Тенгдошларига ўхшамас, тез жахли чиқар, кўчада болаларни уриб-сўкиб юради. Онаман-да, боланинг устидан биров арз қилиб келса, ўзини койиб жўнатдим. Кейинчалик ҳам бу қилиқлари қолмади. Аксинча, жахлини чиқаргани тошбўрон қилиб, ўзини телбаланича соланди одат чиқарди. Шифокорларга кўрсатдик. Даволатдик. Бўлмади. Улғайғач, ўз тилида: "Менинг ҳам уйланишга ҳақим бор", дея туриб олди. Ноилж бошқа тумандан ўзига ўхшайдиган бир қизи топиб ўйлантирдик. Яратганнинг кароматини қарангки, икки боласининг ақли расолиги, ҳусну жамолига боқиб тўймайсан киши.

Бироқ акасининг шундай аҳволга тушганлиги сабаблими, остонамдан ҳеч ким кизимни сўраб келмади. Ёши ўтиб қолгани учун аёли қазо қилган кишига узатдик. Қизимнинг бахтини ўйлаб, сочимга оқ оралади. Энди бу ёғини сўранг, мана шу набирам уч ёшга тўлди ҳамки, ҳалигача гапиролмайди. Аксинча, тоғасидаги ҳолатлари онда-сонда бунда ҳам сеза-япмиз. Куёвимнинг таъналаридан қочиб, ўзим билан олиб юрибман. Ота-онамнинг орзу-хаваси деб авлодларимда наслий касаллик авж олмаса эди, деб кўркаман. Ҳозир яхши замон бўлди, тиббий кўриқдан ўтиб турмуш қуришяпти. Айниқса, қариндош-уруғ билан куда бўлмасликни қайта-қайта тушунтиришмоқда.

Онахон тўлиб турган эканми, ишхонага етиб келганимизча гурунгимиз тугамади. Унинг тоғдай оғир дардларини газетхонларга етказмоқни ўйлаб қўйгандим. Зеро, қариндошлар билан ришталаримиз узилмасин дея уринаётганлар келажак авлодлари олдида ҳам масъулиятли эканликларини хис этсинлар. Ота-оналар фарзандлари тақдирига янада масъулият билан қараб, никоҳдан аввал тиббий кўриқдан ўтишга ҳам жиддийроқ ёндашишсин.

Мастура АҲМЕДОВА,  
Олмалиқ шаҳар ФХД бўлими 1-тоифали инспектори.

## МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАР, ВАТАН!

Давоми. Боши 1-бетда

Ушбу тадбирларда кўпни кўрган кексаларимиз — Нарзулла бобо Қудратов, Қаҳор бобо Намозов, Муҳаббат ая Муҳаммадиева, Тўракул бобо Йўлдошев, Болта бобо Ҳиббимов кабилар ёшларимизга бугунги тинч ва дорил-амон кунларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш, шу азиз Ватан тараққиётига нуносиб ҳисса қўиш лозимлигини таъкидлашмоқда. Айниқса, маҳалламиз фаоли, ажойиб инсон Мавлон Оқилонинг бажараётган эзгу амаллари, ишларини ҳар қанча гапирсак-да, оз.

Саховатли тадбиркор кексаларни тез-тез йўқлаб туради. Бундан ташқари, у Иштихон қабристонига дарвоза ўрнатди, айни пайтда йўлларни текислаш, таъмирлашга ҳам бош-қош. Дарвоқе, маҳалладошларининг айтишича, Мавлон аканинг яна бир ажойиб фазилати, у доим чўнтагида конфет олиб, учраган кишига "Ҳаётингиз ана шундай ширин ва тотли бўлсин!" деб илинишдир.

— Маҳалла том маънода ёшларнинг тарбия масканига айланган. Бу ерда кўплаб учрашувлар ташкил қилаёпмиз, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Максуда Худойбердиева. — Глобаллашув

даврида онгу тафаккурни заҳарловчи ёт ғоялардан ёшларимизни асрашда миллий кадрятларнинг ўрни катта. Шунинг учун ҳам ўтказилаётган давра суҳбатларида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратаёпмиз. Одам савдоси, ОИТС, гиёҳвандлик, диний экстремизмнинг ёмон иллат эканини тушунтиряёпмиз. Бундан ташқари, оиланинг муқаддаслиги, уни доим асраб-авайлаш лозимлиги ҳам олиб борилаётган ишларимизнинг асосини ташкил қилади. Қувончлисиз, маҳалла кексаю ёш учун она Ватанининг мўъжаз ва қадрдон гўшасига айланган. 70 дан зиёд нуруний маҳалланинг эъзозу эҳтиромиди. Ўтаётган ҳар бир тадбир, тўй-маросимлар улар иштирокисиз ўтмайди.

Ҳа, бир сўз билан айтганда, Иштихон туманидаги "Ўзбекистон" маҳалласида ҳаёт қайнок. Ҳар тонгни юртга тинчлик, осойишталик сўраб қарши олаётган маҳалла аҳли яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари билан яшамоқда.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,  
"Оила ва жамият" муҳбири.  
Самарқанд вилояти.



## У КУНЛАР ЭНДИ ЭРТАК

*Юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, ободликдан, бунёдкорликдан кўнглингиз яшнайди. Айниқса, неваряю чеваралари даврасида хиёбонларни хотиржам сайр қилаётган кексаларимизнинг мамнун чеҳрасида бахт барқ уради, гўё. Ҳеч ҳам кексаликни тан олмай, тетик, шаҳдам қадам босаётган отахон 90 ёшни қарши олаётгани, фарзандлари ва ҳатто набира келинлари билан тенгма-тенг юмушларни бажараётган онахонимизнинг 85 га яқинлашганлигига ишониб қийин. Ҳаттоки, бугун диёримизнинг истаган масканида юз билан юзлашадиган нурунийларимизни учратасиз. Улар билан суҳбатлашиб, бу кунларга шукроналик, ўтмишнинг изтиробли ёдини тиргалаймиз.*

Ана шундай кексаларимиздан бири 90 ёшни қаршилаган Қосим ота Мағруповдир. Унинг юзкўзларида шу кунларга нечоғлик қийинчилик билан эришилгани, ўтмишдаги оғир кунлар асорати акс этади, гўё.

— Биласизми, баъзан онам мени эрта туққан экан-да, деб афсусланаман. У давр билан бугун ўртасида осмон ва ерча фарқ бор-да. Қаранг, ҳозир улкан имкониятлар, қулай шарт-шароит, тўкин-сочинлик, бирдамлик, тинчлик замонида яшаймиз. Яқинда фарзандларим пойтахтимизни сайр қилишга олиб чиқилди. Ўзим туғилиб, чанг кўчаларда катта бўлган она шахрим бутунлай ўзгариб кетибди, кўриб кўзларимга ишонмадим. Шу дамда ўтган йиллар ёдимга тушди: ҳеч эсимдан чиқмайди, 8-синфгача мактабга оёқ яланг борар эдим. Менинг тенгурларим ҳам шу аҳволда ўқир, киш келди, совуқ тушди дегунча оёққа катта латта пайтавани бойлаб, устидан теридан тайёрланган кавушни текиб ўқишга тушардик. Атроф-

да битта дўкон бўлиб, узун навбатга туриб нон, мош, маккажўхори харид қилганмиз. Ҳозир эса ҳар қадамда замонавий, 2-3 қаватли дўконлар. Мактаб, коллежларни кўринг, кўркам ва шинам, ўқийман деганга имконият кенг. У вақтларда ёшларга эътибор бўлмаган. Ҳозир эса ҳамма яхши нарсалар фарзандларимиз учун яратилган. Дунёда содир бўлаётган воқеаларни қаранг, одамлар нобуд бўлишяпти, ҳаловат йўқ. Қариндош уруғчиликка, одамгарчиликка путур етган. Бизнинг энг катта бахтимиз тинчликда ўтаётган ҳар бир кунимиз эмасми? \*

Ўтмиш ҳақида гап кетса, бир бурда нон илинжида одамлар тунни тонгга улаб ишлашгани, қорни тўйган куни эгни юпун қолганини айтишади. Узр-ку, баъзан ўйлаб қоласан киши, хоин биттадир, сотқин биттадир, ўғри биттадир, лекин нега улар бир замонлар бутун миллатни ўғрига чиқармоқчи бўлган? Унинг улуг ўтмишини топташга уринган, маънавий бойликларини йўқотишга чоғлаган. Ахир, ўтмиши буюк халқни энгиб бўладими?! Бизнинг маънавиятимиз юксак, энгилмас куч эканини муҳтарам Президентимиз истиқлол йилларида исботлаб бердилар-ку!

— Айни очарчилик йиллари эри урушга кетган, уч қизи билан ёлғиз қолган бувимиз ёйишга ҳеч нарса тополмай, катта қизи — менинг онам Зироятни бойвачча одамга бир қоп буғдойга сотиб юборган экан, — дейди Гулзода ая Тошпўлатова ўтмишни эсларкан. — Айтишларича, озгина вақт ўтгач, бойнинг уйдан қочиб кетган онам отам билан турмуш қуришган экан. Онам раҳматлидан бундай маҳзун ҳикояларни кўп бора эшитганман. Тақдирни қарангки, ота-оналаримиз бир умр орзу қилган ёруғ, дориламон кунларни кўрмоқ, Аллоҳга минг қатла шукрки, бизларга насиб этди. Ўша замонда кўрганларимиз худди тушда кечган умрларга ўхшайди.

Камола РАҲИМХЎЖАЕВА.

Замондошларимиз

## ЗАРШУНОС БЕКА

**Бўка тумани “Бош пиллахона” масъулия-ти чекланган жамияти раҳбари Матлуба Мусаева ҳақида гап кетганда, “Ўз соҳасининг фидойиси”, дея таъриф берилади. Пиллахонага борсангиз, дилингиз яйрайди. Бу йилги мавсум якунлангач, таъмирлаш, созлаш ишлари олиб борилаётир. Матлуба опани эса иш устида учратдик.**

— Етти ҳазинанинг бири бўлган ипак куртини боқиш осон эмас, — дейди қахрамонимиз. — Йил бошида туманимизда фаолият юритаётган 465 та фермер хўжаликлари билан ипак курти боқиш борасида шартномалар туздик. Биласиз, фаолиятимиз асосан табиат билан боғлиқ. Эрта баҳорнинг совуқ ва серёгин келгани ҳаммаимизни ташвишга солди. Аммо тут барглари тезда қайта ривожланганини кўриб, кўнглимиз ёришди. Хориждан келтирилган 1710 кути уругини 2818 хонадонга тарқатгандик. Бу йилги уругимизнинг кам сарфлиги, ипак куртининг эрта етилгани, 18-19 кунда дастага киргани ана бир ютуғимиз бўлди. “Ачамайли” фермерлар уюшмасидан Дилором Бўрибоева икки кути уругдан 115 кг. пилла ҳосилини топширганида барчамиз бирдек севиндик. “Ойхўжа Йўлдошев” фермерлар уюшмасидан “Салоҳиддин Фарангиз” фермер хўжалиги ҳам биринчилардан бўлиб режани ортиғи билан бажарди.

Пиллахонада ҳосилни нобуд қилмай сақлаш учун барча шароитлар етарли. Ишларимиз мавсумий бўлгани учун 25 нафар мавсумий ва доимий ишчи кучини жалб этамиз. Лаборантимиз Зухра Эргашева, тарозибонимиз Ўткир Душабоев ҳамда бўлим мудиримиз Ойдин Абдужабборованинг меҳнаткашлиги, ишга масъулият билан ёндашишини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Ипак курти боқувчилар учун озуқалар етарли, 480 гектардан зиёд тутзорларимиз мавжуд. Ҳар йили ҳудудларда тут кўчатлари экилади. Бу йил 75 минг туп тут кўчати экдик. Насиб этса, уч йилда ҳосилга қиради.

Ҳам оилада, ҳам жамиятда ўз ўрни ва мавқеини топган Матлуба опа турмуш ўртоғи Сироҳиддин акага кўпроқ суянарди. У киши оламдан ўтгач, олти фарзандни ўқитиб, уйли-жойли қилди. Уларнинг икки нафари онасининг касбига меҳр қўйишди. Қизи Иқбол Тошкент давлат аграр университети тамомлаб, шу соҳада фаолиятини бошлаган бўлса, ўғли Салоҳиддин мазкур билим даргоҳининг 3-босқичида таҳсил олмақда. Набиралари эса Матлуба опанинг уйини қувонгча тўлдирмоқда.

Нигора ЭРКИНБОЙ қизи.

Реклама


## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ОЛТИАРИҚ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни мустақиллигимизнинг  
24 йиллик шодиёналари билан чин юракдан  
табриклайди.

Хонадонларимиздан қут-барака, дастурхонларимиздан  
тўкин-сочинлик, маҳалларимиздан аҳил-иноқлик аримасин!  
Бугун мамлакатимиз дунёнинг энг гўзал, обод ва кўркам  
гўшасига айланди.

Юртимизнинг жамолига кўз тегмасин!

ИСТИҚЛОЛИНГ АБАДИЙ БЎЛСИН,  
АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Элимиз ардоғидаги санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, “Дустлик” орден соҳибаси Яйра Абдуллаева номини эшитганда ёш авлод кўз олдига чехраси нузли онахон гавдаланади. Катта ва ўрта ёшли санъат ихлосмандлари эса гўзал ташқи қиёфаси, ёқимли овози билан театр сахнаси, радио тўқинлари, кино экранларига ўзгача жозиба бағишлаган «Ганг дарёсининг қизи»даги Хемнолини, Камола, “Нодирабегим”даги Нодирабегим, «Мирзо Улуғбек»даги Гавҳаршодбегим, «Қирол Лир»даги Регина каби ўнлаб бектор образларини катта маҳорат билан ижро этганини суюниб эслайди.

**Яйра АБДУЛЛАЕВА,**  
**Ўзбекистон халқ артисти:**

## МЕҲР-ОҚИБАТ ЎЛКАСИ БУ ЗАМИН!

Қарийб етмиш йилдан буён Ўзбек Миллий академик драма театрида хизмат қилиб келаётган онахон, табаррук 85 ёшида ҳам театр ва кино санъати мухлисларини тақорланмас роллари билан хушнуд этмоқда.

— Яйра опа, салкам бир асрлик ҳаёт йўлларини мардона босиб келаясиз. Ҳали ҳам ғайратлисиз, ишлашга шижоатингиз баланд...

— Энг аввало, Яратганга шукрона қилмоғим керак, шунча йил умр берди, обрў-этибор, мартаба ато этди. Ўзимни энг бахтли-тахтли аёл деб ҳисоблашга минг қарра ҳақлиман. Нега десангиз, шундай жаннатмонанд юртда туғилдим, ижод қилаётганман, ва энг асосийси, ёшу қари баб-баравар эъзозланаётган, қадр топаётган овоз ва обод Ватанда яшайман. Буларнинг бари бизга илҳом, ўзгача руҳ, рағбат беради.

— Санъатшунослар ижодингизни таҳлил қилганида юз ифодасининг барча товланишлари — кўз қарашлари, имо-ишора, киноя, пичинг ва бошқа таъсирий воситалардан моҳирлик билан фойдаланганингизни кузатишган. Бундай ижодий салоҳиятга эришишингизда ота-онангиз ва сиз ўлғайган мухитингиз таъсири қай даражада бўлган, деб ўйлайсиз?

— Эсимни таниганимдан бери санъат ахли орасида ўсиб-ўлғайдим. Ота-онам Умархон Абдуллаев ҳамда Лиза Петросова ўз даврининг таниқли санъаткорлари эди. Уйимизда хонандалар, созанда ва актёрлар тез-тез меҳмон бўлишар, уларнинг овозини эшитиб, ҳаракатларини кузатиб завқланардим. Онам опера ва балет театрида ишлар, айтишларича, менга ҳомилдорлигида ҳам рол ўйнаган эканлар. Спектакллардан бирида дард тутиб, мен туғилган эканман. Беш ёшдан онам билан бирга театр-га борганман. Чунки уйда менга қарайдиган одам йўқ эди. Баъзан омавий сахналарда ҳам қатнашганман.

Истеъдод шаклланишида энг аввало, тарбиянинг ўрни муҳим. Онам ижодий сафарларда кўп бўларди. Холларим — Гавҳар Раҳимованинг ўғитлари, Тамарахонимнинг насиҳатларини эшитиб катта бўлдим. Актёрлик маҳорати йиллар даромида сайқалланади. Ёш актёрга ўз соҳасининг мутахассиси бўлиши учун узоқ муддат керак. Театр, кинода кўнлаб роллар ижро этдим: жўшқин жараёнда пишдим, ниҳоят, санъат менинг ҳаётим мазмунига айланади.

— Катта сахналарда, киноэкранларда янги-янги қиёфаларни кўраётимиз. Бугунги ўзбек киноси, театрида ёшлик нафаси сезилиб туради. Кўпгина ёшлар муносиб тақдирланмоқда, нуфузли халққа танловларда ғолиб бўлишмоқ-



да. Сизнингча, санъатдаги муваффақиятлар сирини нимада?

— Эсимда, мен театрда ишга келганимда энг ёш актриса қирқдан ошганди. Бугун бошқа соҳалар каби театр, қўшиқчилик ва бошқа санъат йўналишларида ҳам иқтидорли ёшлар етакчилик қилишаётгани кувонарли.

Бундай ютуқларнинг асосий илдири ҳозирги замонда ўқиш, изланиш, ижод қилиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилганда. Айниқса, китоб ва қўлланмалар топиш масаласида қўнлаб қулайликлар яратилди. Ҳозир Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон миллий кутубхонасидан исталган адабиётни топиш мумкин. Тараққиётни қаранг, бугун мамлакатимизнинг исталган манзилдан туриб, интернет орқали миллий кутубхонадаги нодир асарлардан баҳраманд бўлиш мумкин. Китоб ўқиган одамнинг маънавияти ҳам, савияси ҳам юксак бўлади. Китобларда эса инсон характери тўлалигича намоён бўлади. Бундан ташқари, билим даргоҳларида яратилган шароитлар, турли кўрик-танловлар туфайли ҳар йили қанчадан-қанча иқтидор эгалари кашф этилмоқда. Улар учун халқроқ майдонларга ҳам йўللар очик.

— Катта сахналарда турли тақдирларни талқин этгансиз. Гоҳида ролингиздаги руҳият ўзингизга кўчади ва ҳатто ақинларингизга ҳам таъсир этиши мумкин. Оилавий муносабатларда бу қандай намоён бўлган?

— Оила бу оила, сахна эса сахна бўлиб қолаверади. Гоҳи ижобий, гоҳи салбий қахрамонларни ўйнайсиз. Қачонки, ҳамма нарсани ўз вақтида, ўз ўрнида бажарсангиз мукамалликка эришасиз. Образларимда-



### Гурунг

ги руҳият оиламга таъсир қилишига йўл қўймаганман. Аммо, қахрамонимнинг иродаси, ибратли фазилатларидан ўрناк олган вақтлар бўлган. Уларнинг табиатидаги, ўзимга яқин жиҳатларни ёки буюк инсоний фазилатларни олишга ҳаракат қиламан.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: ролларимда қахрамонимнинг ўлими билан яқунланадиган сахналар кўп. Қизим тез-тез театрга келиб, спектаклларимни томоша қилар эди. Ана шундай кунларнинг бирида спектакль тугагандан сўнг йўғлайвериб кўзлари қизариб кетган, қизим менга қараб: “Ойжон, сиз қачон яхши рол ижро этасиз?” деган эди. Ушанда бола менинг ижромимга шунчалар ишонибдики, онам ўлиб қолди, деб ўйлабди боёқиш (кулади). Ушанда шу кичкина қизалоқ ролга шу даражада ишондими, демак, қахрамоним тақдирини баҳоли кудрат очиб бераётган эканман, деб хурсанд бўлганман.

— Болалигингиз Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Ўша суронли йилларни эслаганда юрагингизда бугун нималар акс этади?

— Илк ижодим Гавҳар Раҳимова бошчилигидаги фронт концерт бригадасида бошланган. Уруш бошланганида ёшгина қизалоқ эдим. Онам гастроль сафарларига мени ҳам ўзлари билан олиб кетдилар. Биз жангчиларни руҳлантириш, кайфиятини кўтартиш учун турли томошалар кўрдик. Мен ҳам рақсага тушиб, ашула айтар эдим. Ушанда бомба отилгандаги, портлагандаги ваҳимали товушларни ўз кулоқларим билан эшитганман. Баъзан концерт бошланганда бомба тушса, сахнадаги либосларимиз билан ўзимизни ерга ташлардик ва бомбадан сақланардик. Ўша машғум хотираларни эсласам, ҳалигача оёқ-қўлимни титроқ босади. Портлаш бироз тинчигандан сўнг ансамблимиз ярадор аскарларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатарди. Кимдир яра боғлаган, кимдир тирқирав оқайтган қонни тўхташи билан овора... “Яйра, сен орқада тур, бу ёққа қарама”, дейишарди менга. Уруш даҳшати, йўқотишлар кўз ўнгимизда содир бўлган...

— У кунлар энди эртакка айланди. Ҳадемай яна санокли кунлардан сўнг энг улуг ва энг азиз Мустақиллигимизнинг 24 йиллик шарафли тўйини нишонлаймиз. Байрам тилакларингизни изҳор этсангиз.

— Кексаларимиз, дунё кўрган отахон ва онахонларимиз дуога қўл очганида Яратгандан энг аввал, юртимиз, Ватанимизга тинчлик, хотиржамлик, халқимизга эса аҳиллик, меҳр-оқибат, бағрикенглик тилашида ҳам ўзига хос ҳикмат, бир дунё маъномазмун бор. 24 йил аслида, тарих сахнасида бир килрик қоққунчалик фурсат, тўғрими, лекин озодликнинг инсоният тақдирини тугган ўрни оламшумул аҳамиятга эгаллигини биз ҳам ана шу 24 йил орасида чуқур англаб етдик.

Бир санъаткор, қолаверса, саодатли, нуруний онахон сифатида тилагим: Ватанимиздаги тинчлик-осойишталик ҳамиша барқарор бўлсин, спорт, санъат, қўйинги, барча соҳаларда эришаётган ютуқ-муваффақиятларимиз дунёда эътироф этилаверсин. Бир оила мисоли меҳр-оқибатни байроқ қилиб, тинч-тотув яшаётган халқларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик, аҳилликка асло кўз тегмасин. Истиклолимиз абадий, байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

“Оила ва жамият” муҳбири  
**Камола АДАШБОВЕВА**  
ёзиб олди.



**ЧАЛТОВ** — қир ва адирларда ўт ўсмайдиган усти кум ё майда тошчалар билан қопланган ер “чалтов” деб аталади. Бу сўз ҳозирда кам ишлатилса-да, ундан фойдаланишга эҳтиёж бор.

Чўтбой чалтовда ер бағирлаб ётган қўйларни ҳайдамоқчи бўлди-да, уларнинг мириқан кавш қайтарайтганини кўриб, секин изига қайтди.

Журналдан

**ЧАЛҒАЙ** — қадимий сўз. Ҳозирда “чалғай” сўзи тўн, яқтакнинг ёқа қисмига астарнинг кўринмаслиги учун тикиб қўйиладиган қийик маъносини ифодалайди. Маҳмуд Қошғарий қуш қанотининг уч қисмини “чалғай” деган. Кейинроқ бу сўз истеъмолдан чиқиб кетган. Ҳозирда бизда қуш қанотининг уч қисмини ифодалайдиган алоҳида сўз йўқ.

Ойсанам астар устига яшил қийикчани эҳтиёткорлик билан қўйди-да, тўннинг чалғайини тика бошлади.

Журналдан

**АММА ВА АМАКИ** — бир қарашда “амма” ва “амаки” сўзлари туб маъноси бир хил эканлигини англаш қийин. Бирок, моҳиятан улар бири-бирига жуда яқин. “Ўзбек тилининг этимологик лугати”да изоҳланишича, “амаки” сўзи ҳам, “амма” сўзи ҳам битта илдиздан ўсиб чиққан бўлиб, уларнинг туб маъноси “отанинг акиси” мазмунини англатади. Маъно тараққиёти натижасида бу сўз иккига ажралиб, бири отанинг ака-укаси, бири эса, отанинг опаси ёки синглисини англатган.

Амма келди — ҳамма келди.

Мақол

Шокир амаки маҳалладаги ҳамма ишларга бош-қош...

Журналдан

**ПИЧОҚ ВА ПИЧАН** — сўзлари ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқдай туюлади. Чунки, пичан ўриб қурилган ўт, пичоқ эса кесиш асбоби. Аслида, “пичан” ҳам, “пичоқ” ҳам битта илдиздан — “кес” маъносидagi “бич” феълдан келиб чиққан. Бу сўзлар дастлаб “бичоқ” ва “бичан” шаклида бўлган.

Ўртадаги уюлган пичан ғарами олдидан ўтиб, қоронги уйга кирди.

Саида Зуннунова

Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.

Мақол


**БЕРЧ** — адабиётшунос Тўра Нафасовнинг изоҳлашича, “берч” сўзи ноннинг таркибида яхши қорилмай қотган хамирга нисбатан ишлатилади. Шунингдек, ернинг бел ўтмайдиган қаттиқ тупроқли қисми ҳам “берч” дейилган.

Шоди мўйлов томорқасининг ўнг буржидagi берч жойни чопан деб кечгача овора бўлди.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.

# ОСТОНАСИ ГУЛЛАЁТГАН ОИЛА



...Севара опа тонг отмай оғилхона томон ошиқаркан, пахтанинг суви, кечкурун ошириш учун қўйган хаамири ҳақида ўй сурди. Дераза оша қаради: набиралари ширин уйқуда, ҳализамон уйғонишса борми, "момо момолаб" ҳолижонига қўйишмайди. Қайнонаман демайди, мисоли келиндек, келинидан ҳам қолишмайди. Келини Мухлисанинг ҳам қилар иши кўп. Умридан барака топсин, далага ҳам, уйга ҳам бирдек чопади. Тунов кунни "Онамнинг тоби бўлмабди, бориб келай" дея рухсат сўраганди, дарров уйда ўрни билинди.

Мана энди, ҳамма юмушга опанинг ўзи чопмаса, бўлмайди. Ҳа айпанча, иморат қураётган усталар учун тушликка таом тайёрлаш зарур, яна туман марказидаги банкка бориб лизинг шартномасига мувофиқ янги "LS1004" трактори учун ўз вақтида пул ўтказмаса ҳаловат топмайди. Оғилхонада сигир соғаркан, яна шулар ҳақида ўйлади. Чолак тўла сўт билан остонадан ҳатладиямки, хўрозлар қичқирғи араш тонг ота бошлади.

...Тошкент вилояти Бўка тумани "Кўштепа" кишлоқ фуқаролар йиғинининг Қўлдоштепа маҳалласида истиқомат қилувчи Севара Йўлдошева туманининг номдор фермерларидан бири. Фахриддин ака билан турмуш қуришганига мана ўттиз йил тўлди. Аёл ибратли бўлса, оиланинг олтин остонаси гул-

лайди, деб бекорга айтишмаган. Табиатан интилувчан, тиришқоқ аёл ҳамisha яхши ишларга бош қўлиб келади. Бировни опа, бировни сингил, дея кўнгил олади. Шунинг учун бир неча йиллар маҳаллада диний маърифат ва ахлоқий-тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб, аҳоли ўртасида ибратли ишларни амалга оширди. Опанинг оиласи тинч-тотув, тўрт фарзандни яхши тарбиялаб, учтасини уйли-жойли қилди.

Саккиз йил аввал бутун оила йиғилишиб, "Йўлдошева Севара" фермер хўжалигини ташкил этишганда кишлоқдошлар "... манаман деган фермерлар ерининг рентабеллиги паст, сизники ажирикзор, шу ердан ҳосил олиб бўладими" деб, унинг ишлари юришишига ишонқирамай қарашган. Аммо у 33 гектарлик ер майдонини олиб, заминдорга айланганди. Ҳар қарич ерга қилинган меҳнат йиллар ичра ўз мевасини кўрсатди: опанинг эсида, ҳар гектардан саккиз-тўққиз тиркамада ажирик ташигани, икки ҳисса чорва гўнги солиб, ерни тобига келтиргани. У қийинчиликларни шунчаки синовга йўяди. Шукри, қайин укалари, қариндош уруғлари, маҳалла-қўй қўллаб-қувватлагани бир умр ёдидан чиқмайди. Мана ўғиллари қўлидан ишни оладиган бўлди. Каттаси Хусниддин иш бошқарувчи, Бобуржони эса акасига ёрдамчи.

— Аини дамда ер майдонимиз 50 гектарга етди, 20

нафар чопиқчи-сувчиларимиз бор, — дейди фермер Фахр билан. — Ўззамжон Камолов, Мусоиддин Авазов, Моҳира Камолова, Ҳофиз Шайманов, Бекмурод Норов, Дониёр Умрзоқовнинг хизматлари таҳсинга лойиқ. Фалладан кам бўлмадик. Давлат шартномавий режасини адо этдик. Эрта баҳорда пахтанинг С-65 навини ерга қадагандик. Агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказдик. 7-8 маротаба ғўза тагини чопиб, юмшатдик. Ерни шарбат сувига тўйинтирдик. Чилпиш ишлари якунланиб, олди пахталар очилиб қолди. Дарҳақиқат, 2 гектар ерда олма богимиз бор, на-сиз қилса, боғни янгилаб интенсив усулига қўл урмоқчиман. Хўжалик атрофига экилган 2 минг тупдан зиёд терагимиз иморат солишда асқотади. Содда ва камтарона сўзлаётган фермер опа ҳар бир ишда ўз ақлиларини ёдга олишни унутмайди.

— Жуда ёш келин бўлганман, десам ишонмайсиз. Қайнотам Нармон бобо раҳматли келинимни ўзим ўқитиб оламан, дея ота-онамни қўярда-қўймай кўндириб, тўй қилган. У вақтда хўжайинини институтда таҳсил оларди. Сўзларининг устидан чиқишди, мавриди келиб, икки фарзандли бўлганимда хозирги Тошкент давлат аграр университети иқтисод факультетининг сиртки бўлимига қабул қилиндим. Чақалогим бор, раҳматли онам дарсдан қайтганимча гўдакка қараб ўтирарди. Қайнонам Хони момо кишлоқда яна бир болам билан, турмуш ўртоғимнинг егулигини тайёрларди. Ҳозир 90 ёшда бўлсаларди, руҳи тетик, бардам. Балки ота-онам, қайнона-қайнотам ҳам албатта, бир кун келиб менинг яхши касб сохибаси ёки мулкдорга айланишимни орзу қилишгандир. Ҳозир отамнинг ҳам чорва фермер хўжалиги бор. Етмишдан ошаётган бўлсам ишлаб чарчамайди.

— Худудимизда 80 дан ортик фермер хўжаликлари фаолият юротади, — дейди кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тўлқин ота Ўлжаев. — Севарага мактабда ўзим сабоқ берганман. Фермер бўлиб етишгунча кўп синовлар бошидан кечди. Ўз кўзларим билан тунни тонгга улаб ишлаганини кўрганман. Бир аёлнинг ҳалол ишлагани шунча бўлар. Турмуш ўртоғи Фахриддин ҳам зиёли инсон. Бу оиллага нафақат кишлоқдошлари, балки тумандошларимиз ҳам ҳавас қилса арзийди.

Очиги, аини туш палласида далада бировни топши амри маҳол, деб ўйлагандик. Бироқ пахтани сувга қондириш чоғида барча оёққа турган экан.

## ХАДИЧА ОПАНИНГ ШУКРОНАСИ

Одамларнинг айтганича бор экан, Хадича опа очик юзли, қорамғиз, ҳар гапида шукр айтаркан. У пахта шоналарини меҳр билан силаб қўяди.

Бўка туманидаги "Сунатилло Исломбек" фермер хўжалиги раҳбари Хадичахон Хўжамова "Кўкорол" кишлоқ фуқаролар йиғинининг Жўрабод маҳалласида истиқомат қилади.

— Етказганига шукр, бу йил ҳам ҳосилнинг чўғи мўл бўлади, кўз тегмасин, нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш фурсати яқиллашмоқда, — дейди самимият билан. — Қани юринг, хонадонимиз ҳам шундоқкина хўжалигимизга ёндош. Фермерликдан кам бўлмадик. Бир вақтлар аёллардан ер эгалари чиқади, дейишса, ишонмасдим. Мустақиллигимиз шарофати билан оддий кишлоқ аҳолига шу даражада имкониятлар берилиши кимнинг ҳам хаёлида бор эди дейсиз. Мана бу янги уй даромадимиз нишонаси.

Уч йил аввал туман ҳокими қарори билан фермер хўжалигини қайта ташкил этгандик. Тиним билмай ишладик, майдонларимизни қайта-қайта ишлов бериб жонлантирдик.

Ҳозир 46 гектар майдоннинг 32 гектарига экин экканмиз. Беш гектарда олма даракларимиз гуллаб-яшнамоқда. Фалла ҳосили ҳам мўл бўлди. Давлат шартномавий режасидан ортганини ишчиларга таркатдик.

Хадича опа машҳур Чори бахшининг жиғини. Шунданми, санъатга ҳам меҳри ўзгача. 1984 йили Каримбой Йўлдошевга турмушга чиқиб, бугун тинч, осуда кунларда фарзандлари бахтини кўриб юришибди. Каримбой ака мулойим, беозор инсон. Хунарли, тракторчи, ошпаз, дурадгор.

— Гоҳо қўшиқ хиргойи қилсам, турмуш ўртоғим "Хадича, бундай истеъдод билан кишлоқда нима қилиб юрибсан" деб ҳазиллашса, "Нима қилай, томиримда бахшилар қони оқяпти-да" деб қўяман. Оила тебратимда бамаслаҳат иш тутамиз. Битта ўғил, боламизни ҳадеб эрқалатмадик. Меҳнатдан чиникди, олий таълим муассасасида ўқитдик. Рус-тамжоннинг аёли Нигорахон ҳам кишлоғимиздаги мактабда сабоқ беради.

Келинимнинг пилла боқишдаги ҳаракатларини ўзимга ўхшатаман. Кейинчалик бемалол орқамга қарамасам бўлади. Набираларимни айтмайсизми, دادасига кўмакчи бўлиб қолишди. Сунатилло ва Исломжон ерга меҳр қўйиб бораёттир. Келажакда олий маълумотли бўлиб, фермерликни давом эттирамиз дейишса, севинчдан йиғлаб оламан. Ахир, бу сўзлардан қувонмай бўладими? Улар Шодмон Файзиевдан ўзбек миллий кураши бўйича сабоқ олиб, вилоят босқичига йўлланма олишди. Мен учун буларнинг барчаси катта бахт эмасми? Хўжалигимизда тўрт ичимиз бор — Шермухаммад Хўжамов, Гофур Боймуродов, Мурод Жуманиёзов, Хайрулла Сатторов. Улар ҳам ўз фарзандларимдек бўлиб қолган, эна дейишади. Тўғриси айтсам, иккинчи фарзандимдек бўлиб кемтигимни тўлдиришади.

Хадича опа Хўжамова бир неча йиллар маҳаллада диний маърифат ва ахлоқий-тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Эрта никоҳнинг олдини олиш, ёш оилаларнинг бузилишига йўл қўймасликка бош-қош бўлган. Шунинг учун давлатимиз томонидан "Мустақилликнинг ўн йиллиги" кўкрак нишон билан тақдирланган.

**Омон ёр ўйнасанг-чи, омон ёр,  
белингн боғласанг-чи, омон ёр,  
Истиқлолим хур замон, омон ёр,  
айланиб ўйнасанг-чи, омон ёр!**

Хадича опанинг ушбу хиргойисиди замонамизнинг тўқин-сочинлиги, кексаларимизнинг эъзоздалиги, қолаверса, ёшларнинг бахтиёр келажаги мадҳ этилгандек, гўё...

Саҳифа материалларини  
"Оила ва жамият" муҳбири  
Нигора ЎРОЛОВА тайёрлади

## ШОВҚИН СОЛГАНГА... ЖАРИМА

Кўшнларимдан бири машинасига ниҳоятда баяндов товуш чиқарувчи мослама ўрнатган. Унинг шовқини тинчгина дам олишимизга ҳалақат беради. Айтинг-чи, бундай товуш чиқарувчи қурималардан фойдаланиш қоидалари қонун тартибга солинганми?

М.Турсунов,  
Самарқанд вилояти.

— Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурималаридан фойдаланиш қоидаларини бузиш жавобгарлик-

ка сабаб бўлади. Маъмурий жавобгарлик

### Савол-жавоб

Тўғрисидаги Кодекснинг 127-моддасига мувофиқ, товуш сигналини сабабсиз бериш, транспорт воситаларига уни ишлаб чиқарган қорхона назарда тутмаган товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурималарни ўрнатиш, шунингдек, уларни ўзгартириб ўрнатиш энг кам иш ҳақининг бир бартаври миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

Саволга Самарқанд вилояти  
Нуробод туман ИИБ  
ЙХХГ катта инспектори, сержант  
Фаррух ЧИМУРЗАЕВ жавоб берди.

...Хўжам айилни бор кучи билан тортди: қорни қисилган эшак нафас ололмай хансиради. Аламини тилсиз ҳайвондан олаётгани ҳис қилиб уялди, айилни бироз бўшатди. "Постромка" шувшиб жойига келди. Кўзлари ола-кула бўлиб кетган эшак бурнининг катакларини кериб чуқур нафас олди. Бу ҳолни кузатиб турган отаси кулиб гап отди:

— Балли-ей, ўч оладиганигни топибсан...

Хўжам кейинги кунларда кимга тармашарини билмасди. Бунинг устига онасининг машмашалари...

— Сен тенгиларнинг икки-учтадан боласи бор. Сен эса чўпон деган номни олиб, ҳеч нарса бўлмагандай юрибсан. Ғуруринг борми, ўзи?..

Хўжам бўшатирилган айилни шундай тортдики, жониворнинг тўрт

син...".

Мана энди отаси билан бирга қўй боқаяпти.

Хўжам ёлғизоёқ йўлдан юқорига кўтарилиб бораркан, бирданига қўйларининг хуркиб чоғганини сизди. Ким экан у, бемаҳалда қўйларни хуркитган!

Хўжам икки хатлашдаёқ тепаликча чиқди. Сурувнинг ўртасида бир қизил қўйлаки аёл у ёқдан-бу ёққа

билан беллашаркан. Албатта, боринг. Менга хат ёзиб юрадиган Хожимусага муносиб рақиб йўқмиш...

Мана шу гап Хўжамнинг юрагига ўқдай қадалди. Бой. Мактабга машинасида келадиган бойвачча. Биби-гулга Хўжам "кетгандан кейин" ишқий мактублар битадиган шоирча...

Хўжам қайси йўлдан келган бўлса, шу йўлдан орқасига қайтди. Биби-гулга етиб олиб эшагига улогини ўнгариб олди. Отаси унинг важохатидан ташвишга тушиб орқасидан бормоқчи экан, айна муддао бўлди. Ҳеч нарса сезмагандай юмшоқ гапирди.

— Қўйлар кўтонга ўрлаётган экан, бошини қайтардим. Сиз бориб туринг, кечкурун хабар оламан...

— Бормасанг, ҳам майли, ишқий

## Хикоя

Хўжам Биби-гул уйнаётган майдонга назар ташлади. Энтикди, эркакшода қиз, шунинг учун командага раҳбар-да... У арқон тортиш бўйича мусобақа ўтказётган ҳакамлар олдига бориб бир нималар деди, ҳакамлар тасдиқлаб, эълон қилди.

— Ҳозир арқон тортиш мусобақаси бўлади. Ким ғолиб чиқса, совға бор. Кейин яккама-якка арқон тортиш мусобақасига навбат бериллади.

Икки гуруҳ саккизтадан бўлиб арқон тортишди. Қалин эшилган оқ арқонни икки томондаги спортчилар тортишаркан, бутун манзара ўзгарди. Спорт формаларини ёрман, деб турган мусуллар ўйнади, баҳонада йигитлар ўзларига ҳавас билан қараб турган қизлар орасидан ёр танладилар. Қизлар ҳам уларнинг важохатини, кучини ўзларида ҳис этиб балоғатга етганларини сездилар.

Ҳўжамнинг қизиги бу ёқда экан. Хожимуса салобат билан майдонга чиқиб келди, денг! Уч марта номи айтилди. Гавдасини кўрганлар ичидан қойил қолиб ўтиришарди. Ана қадди қомат, ана куч! Энди талабгор йўқ, деб муқофотни топширишмоқчи бўлганларида даврани ёриб Хўжам чиқди. Хожимусанинг вужудини эгаллаган куч-ғайратда нураш бордек туюлди. У дўстона кўл бераркан, Хўжамни ерга урмоқчи бўлди:

— Қўйингни боқиб юравермабсан-да, ким қўйибди сенга, мусобақада қатнашишни...

Хўжам сизди, рўҳини туширмоқчи. Дарҳол жавоб қайтарди.

— Майли жўра, энгилиб бераман, эвазига битта илтимосни бажарсанг.

— Қандай илтимос экан?

— Биби-гулга ёзган ишқий хатларни ҳазил, дейсан, smsлар алаҳсираш...

— Оқ-хў, шарт оғир-ку, шахсий ишимга аралашганларни кечирмайман...

Мард майдонда синалади. Ким енгса, Биби-гул ўшаники!

Ҳакамлар ола говурда улар ўртасида бўлаётган гапларни эшитишмасди. Бу ер майдон, эркилик, ҳар ким хоҳлаганини қилиши мумкин. Сайил шуниси билан сайил-да!

Шарт оддий — рақибни тортиб айланаси 50 метри гиламдан чиқариш. Қўй боқиб, қирдан қирга чопиб пайларидан обдон пишган Хўжам ҳам, ҳар кун шугулланадиган Хожимуса ҳам осонликча жон берадиганлардан эмасди. Буни ҳамма сизди. Лекин куч тенг келгандан кейин энгши осон эмас экан. Ёшлар бир, куч-қувват бир, мусуллар пўлатдай мустаҳкам! 50 метр айналани белгидан тортиб олиб чиқиш эсон эмасди-да!

Судраш навбати Хўжамда эди, шу пайтда у одамлар ўртасида турган Биби-гулни кўриб қолди! Унинг яйловда кўзларида порлаган учкунлардан куч олгандай бўлди. "Бардам бўлинг, ёнингизда мен борман", деган шижоат одамлар оша билагига қуялди. Бу шижоатнинг олдидан битта эмас, ўнта Хожимусаям ўтаверсин...

Даврада қарсак кўтарилди. Ҳамма ҳалол, ҳалол деб, Хўжамни олқишлар, Хожимуса ҳайрон эди, "Бу зангар охириги кучни қаердан олди экан", деб ўйларди. Бирданига кучайиб кетди. У гиламдан тортиб чиқарилган жойида афтоҳол ўтирар экан, рақибни Хўжамга қаради. У тўғри Биби-гулнинг олдида илдамларди. Ўшандагина у собик синфдошининг кучни қаердан олганини сизди...

Пардабой ТОҶИБОЕВ.

# ҒОЙИБДАН КЕЛГАН КУЧ



оёғи бир жойга келиб қолди.

Отасининг гапи таъсир қилди, шекилли, эшакни минди: жонивор йўрғалади. Бир қир ошса сурув. Қўй боқаман деб кўзи учиб тургани йўқ эди, лекин мактабда бўлиб ўтган воқеа сабаб шу ерларга келиб қолди-да! Очиркоғи, ўқитувчиси жигиға ёмон тегди. Бир кун синфда энг сулув қиз Биби-гулга яширинча хат ёзиб ўтирганди, устози пайқаб қолди:

— Зубайдуллаев доскага чик. Дарс тайёрлаш ўрнига хат ёзиб ўтиришни кўрсатаман сенга...

Хўжам шоша-пиша хатини киссасига солди. Ўқитувчининг тортиб олишга кучи етмади. Синф бурчагига турғизиб қўйиб айтадиганини айтди.

— Ҳозирдан берилсанг, чўпондан бошқага ярамайсан. Отанг ҳам энангга хат ёзиб олган бўлса керак...

— Отамга тил тегизманг!

— Тил тегизганда нима қилардинг, ўқиманг одам отангга ўхшаб чўпон бўлади. Қўйларни боқиш учун компьютерни ўрганиш шарт эмас...

Хўжам қандай қилиб партасига келиб китоб-дафтарини олганини билмайди. Ўқитувчига, "Аввал, чўпон бўлиб кўринг, сизга ўхшаганлар бир кун қўй боқишга ярамайди, устингиздаги кийим, еб турган овқатингиз ҳам ана шу чўпоннинг меҳнати ортидан, тушундигизми, сизни биз зиёли деб юрсак... хайф..." деганини кейин эслади.

Синфдан чиқаркан, бояги хатни бермоқчи бўлган Биби-гулга бир қаради, сездими, йўқми, билмади, аммо...

Мана шу гап. Эртасига ўқитувчиси келиб мактабга боришини илтимос қилди. Бормади. Отасига ўғлингиз аълочи эди, мактабимизнинг фахри эди, дейишди, лекин отаси ҳам бетиниғ бурдини қилди. "Ўзи билади, чўпон бўлса нима қилибди, одамлар қизини бермай қўяқол-

чопарди. Тажрибасизлик қилиб, истаганини ушлаёлмасди. Унинг Биби-гул эканини билиб, шаштидан қайтди. Сурувга қишлоқдан келиб қўшилган улоқни ушлаб берди.

— Қўйларингизга қўшилиб кетганини узоқдан кўрдим, анча кутдим, келавермадингиз, охири, ушлаб олай деб...

— Шу улоққа раҳмат, мен бормасам-бормайди, деб қўшилибди, — деди кулимсираб Хўжам. — Бир марта келиб, хабар олай демайсиз... Мактабни ташласам ҳам сизни ташлаганим йўқ-ку!..

— Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам бундай қилмаган бўлардим. Айтса айтибди-да, ўқитувчи тергайди-да! Нима қиласиз, бургага аччиқ қилиб... ҳали ҳам боринг. Сизга бу ерлар ярашмайди. Билимингизга ичим ачийди...

Хўжам Биби-гулнинг кўзларига қаради. Унда ёрқин чизикларни кўргандай бўлди.

— Сиз кетгандан кейин менга ишқий хатлар, sms жўнатадиганлар кўпайиб қолди. Қийналаяпман. Коллежни битирайлик, олий ўқув юртига бирга кетамиз...

Хўжам улоқ баҳонаю юрагидеги гапларни айтиб олиш учун шу ишни қилганини сизди. Қиз бола-да, эртага ким ёрдам беради. Отаси, акалари, сўраса сўрайди, бўлмаса ўтиб кетаяпти, деб хоҳлаган одамига бериб юбораверади. Кейин Хўжам ғурурини кучоқлаб қолаверади.

Биби-гул улоқни даст кўтариб бўйнига ташлади. Коллежда баскетбол секциясида қатнашиши иш берди. Хўжам ундаги куч ва хайратни кўриб тошиб кетди. Агар эртага унга уйланадиган бўлса, турмушнинг ҳар қандай оғирликлари писанд эмаслигини ҳис қилди.

— Ха, — деди Биби-гул елкасидаги улоқ билан бирга буриларкан, — эртага Наврўз сайлида коллежимиз баскетболчи қизлари шаҳарликлар

либ, эшакнинг қорнини қисмасанг бўлди...

Ўғлининг уй тарафга эниб қолганини сезган онаси унинг: "Бугун серёғ ош дамланг, жўраларим келаркан", деганига лаққа тушди.

Қора кўчорнинг гўштига обдон тўйган Хўжам ўзича гудранирди:

— Сенга арқон тортишни кўрсатиб қўяман. Сен кучингга ишонсанг, мен муҳаббатимга ишонаман...

Онаси: "Жўраларинг қачон келадилар?" деб сўрар, Хўжамнинг эса оғзининг таноби қочарди.

Э, жўралар, Қизил Нура яйлови Наврўзда бошқача бўлиб кетади-да! Ҳаммани шу ерда учратса бўлади. Бутун шаҳар савдоси билан кўчиб чиқади. Бир томонда улоқ-кўпқари, бир томонда концерт томоша... Ёшлигини қўмсаган отахон ва онахонлар, келажакка дадил боқётган ёшлар, уларнинг издошлари бола-бақралар... Кечагина келин бўлиб тушган келинлар салом берадилар. Қозонларда сумалак қайнайди, дастурхонларда кўкатлар солинган таомлар.

Хўжам яқинда шаҳардан олиб келган спорт формасида юрар, унинг кечагина чўпонлар қиядиган чакмонларни кийганига ҳеч ким ишонмас, бўй-баста, мусуллари бўртиб чиққан болдирларини кийими яширолмасди. У сайилга бораркан, баскетболчи қизлар машқ қилаётган жойни эсдан чиқармади. Соқлари турмакланган Биби-гул тўпга тўпдай учиб етиб борар, томошабинларнинг ҳавасини келтирарди. Хожимусаям шу ердаямикан? Йўқ, у атайлаб бироз кечроқ келди, бойвачча-да, одамларни куттириб ўрганган. Йўқ, ана келди. Устидаги чет элнинг қимматбаҳо спорт формаси кўзларни қамаштирди. Лекин Хўжам хайратга тушмади, кийим куч эмас, руҳ бақувват бўлиши керак. Хўжам атайлаб оломон ичига яширинди, қани, қандай номер кўрсатар экан?

## ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИДАГИ “НУРЭЛЕКТРОМОНТАЖТАЪМИР” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



### юртдошларимизни истиклолимизнинг 24 йиллик тантаналари билан муборакбод этади!

Пиру бадавлат отахон-онахонларимиз доимо қўлларини дуога очишганида, энг аввало, эл-юртга тинчлик-хотиржамлик, оиламизга, дастурхонимизга қут-барака тилашади.

Шубҳасиз, бунинг замирида тинчлик-хотиржамликнинг улуглиги, осойишталик, бирдамликнинг файзи, қадри ўз ифодасини топган.

Юртимизда истиқлол байрами шукуҳи кезаётган шу кунларда ҳар бир ватандошимиз кўнглида шундай эзгу тилаклар кечмоғи табиийдир:



**Келажаги буюк диёримиз — Ўзбекистонда байрамлар байрамларга уланаверсин!  
Улуғ тўйинг муборак бўлсин, азиз юртим!**

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ УРГУТ ТУМАНИДАГИ “УРГУТ ФИШТ ЗАВОДИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**барча юртдошларимизни мустақиллигимизнинг  
24 йиллик шодиёнаси билан чин юракдан қутлайди!**

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик, хонадонларимиздаги шодлик-омонлик, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ютуқлар мустақиллик шарофатидир. Албатта, истиқлол ўз-ўзидан қўлга киритилмаган. Шундай экан, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Дастурхонимиздан қут-барака аримасин. Жаннатмонанд  
заминимизда тотувлик, меҳр-оқибат, иноқлик ҳамиша ривож топсин!**



**Мустақиллигимиз абадий бўлсин!**

Эҳтиром

## ПИРУ БАДАВЛАТ КЕКСАЛАР

Зикрилла НЕЪМАТ

*Умримизнинг кўркидир пиру бадавлат кексалар,  
Одамийлик мулки ичра бизга ибрат кексалар.*

*Ой каби нурлар сочур бахтдан чароғон юзлари,  
Офтобдек бағри кенг, соҳиб саховат кексалар.*

*Бу ҳаёт бўстонида чин меҳрибон боғбон мисол,  
Меҳнатидан топгани роҳат-фароғат кексалар.*

*Жонажон фарзандларига дилда бор меҳрин бериб,  
Сўнг набиралар камолин кўзлаган мард кексалар.*

*Эл аро сиз эзуликлар айлаб эъзоз ичрасиз,  
Хур Ватанни яшнатишга кони ғайрат кексалар.*

*Қари билганни дегайлар, пари билмас ҳеч қачон,  
Ҳар муаммонинг ечимин топгай албат кексалар.*

*Байраму тўйларда доим камтарин тўйбошидур,  
Оқилу олижаноб, феълӣ аломат кексалар.*

*Тоғ каби мағрур, улуғвор кўксиди кек сақламас,  
Яхшиликлар қилса-да, қилмайди миннат кексалар.*

*Сиз — отамнинг отажони, Сиз — онамнинг онаси,  
Изларингиз кўзга суртай, пойи жаннат кексалар.*

*Сиз дуога қўл очиб, омад тиларсиз барчага,  
Дилдаги орзу-умид бўлгай ижобат, кексалар.*

*Ўзбекона бу муруват, ақлу хуш, одоб учун —  
Таъзим айлаб айтажакмиз, сизга раҳмат, кексалар!*

*Фахр этармиз сиз билан, Сиз нури иймон қалъаси,  
Борлигингиз ўзи бизга катта давлат, кексалар.*

*Айтадур Зикрилло, доим тинч-омон бўлсин замон,  
Бахтимизга сиз бўлинг соғу саломат, кексалар!*



## СИР САҚЛАНАДИ

Фарзандликка олиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Д. Ҳаққулов,  
Тошкент вилояти.

— Оила кодексининг 151-моддасига кўра, “Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларининг кўзлаб йўл кўйилади”.

Шунингдек, “Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади”.

Ушбу кодекснинг 153-моддасига биноан “Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади”.

Саволга Зангиота тумани  
2-сонли ФХДЭ бўлими мудир  
Наргиза ҚАРИМОВА  
жавоб берди.

## МЕРОС ВА ГУВОҲНОМА

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома олиш тартиби ҳақида билмокчи эдим.

К. Жўраев.

— “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 50-моддасига асосан, мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг ёзма аризасига кўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради. Меросхўр ариза билан бирга мерос қолдирувчининг вафоти ҳақидаги гувоҳнома, мерос очилган жой ва вақтини, мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатини тасдиқловчи ҳужжатлар ва шунингдек, мероснинг таркибини аниқловчи далилларни топшириши керак.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун асос — фақат мерос ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Меросхўрнинг қўлида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг бўлмаслиги, бу ҳуқуқни йўқотишга олиб келмайди.

Тергов ва суриштирув органлари томонидан рўйхатга олинган ва арест солинган мол-мулкларга нисбатан бу мулкларни рўйхатдан чиқарилмасдан ёки арест бекор қилинмасдан олдин меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш мумкин эмас.

Саволга Шайхонтоҳур тумани  
2-сон ДНИ нотариуси  
Камола ЖҲУРАБОВЕВА жавоб берди.



## БРИЛЛИАНТ РОЯЛЬ

“Стейнвей” фирмаси ўзига хос мусиқа асбобларини ишлаб чиқариши билан танилган. Унинг навбатдаги буюртма махсулоти фойдаланишга топширилди. Яъни фирма 2,3 миллион Қатар реалӣ ёки 621 АҚШ долларига баҳоланган гаройиб бриллиант роялни ясаб битирди.

Бундай қимматбаҳо роялни буюртма қилган жаноб ўз исми-шарифини эълон қилишни истамади. Фақат шу нарса маълум бўлдики, ярим миллион донa Swarovski кристалл тошлари билан қадалма нақшланган ушбу рояль шайх учун соға сифатида ишлаб чиқарилган экан. Дарвоқе, қадалма нақш ишлари таниқли мусаввир Лорен Бейкер хоним раҳбарлигида фақат қўл меҳнати ила амалга оширилган.



## ТОНГ ОТДИ, УЙҒОНИНГ!

Сиз “Оловиддиннинг сеҳрли чироғи” фильмидаги бир лавҳани яхши эсласангиз керак, яъни бир киши одамларни уйкуга чорлаб, “Бағдодда ҳаммаёқ тинч! Ухланлар!” деб бақириб юради. Муаллифлар бу каби ҳаракат ва ҳолатларни асарга бежиз киритмас эканлар.



Тарих шунга ўхшаш воқеаларга кўп гувоҳлик беради. Масалан, будильниклар, яъни кўнғироқ чалиб уйғотувчи соатлар пайдо бўлгунча қадар Англия ва Ирландияда “уйғотувчи” касби жорий этилган бўлиб, ушбу касб эгалари эрта тонгда шаҳар кезиб, қўлларидидаги узун таёқлари билан деразаларни тақиллатиб, одамларни уйғотиб юришган. Таёқ етмайдиған баландликда жойлашган деразаларга эса қуритилган нўхат доначаларини найча ёрдамида пуфлаб отиб, ойналарни тақиллатишган.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

Газетанинг навбатдаги сони  
3-сентябрь куни чоп этилади.

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

### ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни мустақиллигимизнинг  
24 йиллик қўтлуғ байрами билан  
самимий муборакбод этади.



Мамлакатимиз ободлиги  
ҳамда Ватанимиз тараққиёти  
йўлида мардонавор меҳнат  
қилаётган халқимизни  
бунёдкорлик ҳисси тарк  
этмаслигини тилаймиз.  
Юртимиз доимо тинч,  
осмонимиз мусаффо бўлсин!

## ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ ЖАҲОН МИКЌСИДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ЯНАДА ОШАВЕРСИН!

Хизматлар лицензияланган

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАБОВЕВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ  
Мусаҳҳиҳлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Камола АДАШБОВЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма  
Г — 836. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади  
— 4695. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5